

МОЛИЯ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

3/2014

Муассис: Тошкент молия институти

Таҳририят ижодий жамоаси:

Бош муҳаррир: А.Каримов
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Н.Ҳайдаров
Х.Шеннаев
Масъул котиб: А.Сапаров
Муҳаррир: М.Хусанова
Техник муҳаррир ва саҳифаловчи: М.Икромов
Корректор: Қ.Раҳматов

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2008 йил 24 мартда 0519-рақами билан рўйхатга олинган.

2008 йилдан нашр қилинади, бир йилда 6 марта чиқади.

Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.

«Молия» илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарорига биноан иқтисод фанлари бўйича фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши зарур бўлган ОАК илмий журналлари рўйхатига киритилган.

Веб-сайт: www.tfi.uz/Issues/Jmoliya
e-mail: moliya@tfi.uz
Обуна индекси — 1204

Таҳририят манзили: 100084,
Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли, 7-уй
Тел.: 234-66-89

Таҳририят кенгаши раиси:

У.Ў.Азизов — Тошкент молия институти ректори

Таҳририят кенгаши аъзолари:

- А.А. Каримов** — бош муҳаррир, Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор
- Н. Ҳ.Ҳайдаров** — бош муҳаррир ўринбосари, Тошкент молия институти илмий ишлари бўйича проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор
- Х.М. Шеннаев** — бош муҳаррир ўринбосари, Тошкент молия институтининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежлар билан ишлаш бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, доцент
- А. Ж. Сапаров** — масъул котиб, филология фанлари номзоди, доцент
- А. В. Ваҳобов** — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, иқтисод фанлари доктори, профессор
- Т.К. Иминов** — «Alskom» сугурта компанияси бош директори, иқтисод фанлари доктори, профессор
- М.Б.Нурмуродов** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банк раиси маслаҳатчиси, иқтисод фанлари номзоди, доцент
- У. Бурхонов** — Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий ишлари бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, доцент
- Т.Т. Жўраев** — Тошкент молия институти иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор
- Д.В. Расулова** — Тошкент молия институти бизнес ва тадбиркорлик кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор
- Б. Ж. Ҳакимов** — Тошкент молия институти молиявий таҳлил кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент
- Ш. Н. Файзиев** — Тошкент молия институти аудит кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент
- Т.М. Қоралиев** — Тошкент молия институти банк ҳисоби ва аудит кафедраси профессори, иқтисод фанлари номзоди, профессор
- Э.Ф. Набиев** — Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари доктори
- Т.С. Маликов** — Тошкент молия институти профессори, иқтисод фанлари доктори

МУНДАРИЖА

МОЛИЯ ВА БЮДЖЕТ

У. Гафурова. Хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқими барқарорлигини баҳолаш усуллари.....	5
Н. Якубов. Вопросы финансовой устойчивости акционерного общества с государственной долей.....	10

ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ

А. Ваҳабов, Г. Маҳмудова. Иқтисодиётни модернизациялаш: моҳияти, зарурлиги, хусусиятлари, омиллари ва тамойиллари	15
Т. Жўраев, С.Абдуллаев. Иқтисодий ривожланишнинг умумжаҳон тамойиллари ва таркибий ўзгаришларнинг шарт-шароитлари.....	23
J. Karshibaev. Uzbekistan's pathway in financial trilemma theory	27
У. Зайнитдинова, Э. Гайбуллаев. Барқарор иқтисодий ўсиш масалалари	33
Ш. Шохазамий. Социально-экономическая системология	38

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ

Б. Қаюмов. Аудиторлик далилларини олишда таҳлилий амаллардан фойдаланиш масалалари	47
-------------------------------------------------------------------------------------------------	----

БАНК ИШИ

Т. Каралиев, Э. Кадиров. Халқаро ҳисоб-китоблардаги рискларни бошқариш масалалари.....	52
О. Sattarov, Yu. Abdullayeva. Markaziy bank mustaqilligining inflyatsiya sur'atlari darajasiga ta'siri masalalari	56
З. Раҳманов. Жаҳон банк секторидаги жорий ва стратегик тенденциялар	59
М. Эрназарова, М. Карачаева. Банкларда ички назорат самарадорлигини ошириш йўллари	64
Н.Карабаев. Банк маҳсулотлари бозорида маркетинг концепциялари	69
Ш. Давронов. Кредитные деривативы — как банковский инструмент финансового инжиниринга	72

СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

С. Ширинов. Акциз солигини прогноз қилишда тўғри чизиқли регрессия тенгламаси усуллари.....	77
----------------------------------------------------------------------------------------------------	----

СУҒУРТА ИШИ

И. Очиллов. Актуар ҳисоб-китобларни такомиллаштириш масалалари	83
Г. Баймуратова. Суғурта баҳосини аниқлаш методлари.....	87

Г. Халикулова. Состояние и тенденции развития мирового страхового рынка	93
-------------------------------------------------------------------------------	----

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Д.Абдикаримова, Н. Разоқов. Хизмат кўрсатиш корхоналарида бизнес қийматини баҳолаш масалалари	97
А. Юсубова. Корхоналарда жорий активларни такомиллаштириш масалалари.....	101
О.Умаров. "Gazbilling" ҳисоб-китоб тизимини коммунал тўловлари жараёнларига жорий этиш масалалари.....	105

МЕНЕЖМЕНТ

З. Қурбонов, И. Жуманиязов. Бошқарув таҳлили концепцияси элементларининг назарий масалалари.....	109
--------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

И.Сулейманов. Инвестиции — важный элемент экономического развития ...	113
Вақоева Г., Каюмов В. Instruments for financing innovation processes in the context of globalization and integration	116

МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ

Ф. Базарова. Минтақавий иқтисодий ўсиш ва ривожланиш назариялари	123
------------------------------------------------------------------------	-----

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

С.Фуломов, Д.Алматова. Ўзбекистонда инсон капитал омилларининг ўзаро алоқалари самарадорлиги	128
----------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Ф.Шамсутдинов. Таълим тизимида молиялаштириш услублари масалалари....	136
У.Пардаев. Бюджетни режалаштиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш....	139

С. Ширинов

АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШДА ТЎҒРИ ЧИЗИҚЛИ РЕГРЕССИЯ ТЕНГЛАМАСИ УСУЛЛАРИ

Мақолада акциз солиғининг прогноз қилиш жараёни, прогноз қилишда қўлланилувчи усуллар, усуллардан фойдаланиш йўллари, акциз солиғи тушумларига таъсир қилувчи омиллар, акциз солиғи тушумлари бўйича прогноз кўрсаткичларини шакллантириш жараёнлари ёритилган.

Таянч сўзлар: акциз солиғи, акциз солиғи бўйича тушумлар, регрессион таҳлил, акциз солиғи ставкалари, ўсиш суръати, динамик қатор, прогнозлаш даври

В статье изложены процесс прогнозирования акцизного налога, методы, применяемые при прогнозировании, факторы, влияющие на налоговые поступления по акцизному налогу, процесс формирования прогнозных показателей.

Ключевые слова: акцизный налог, налоговые поступления по акцизному налогу, регрессионный анализ, ставка акцизного налога, темпы роста, динамические ряды, период прогнозирования.

This article describes the process of predicting the excise tax, the methods used in the prediction, the factors affecting the flow of excise tax, the formation of the targets.

Key words: excise tax, receipts excise tax, regression analysis, the rate of excise tax, growth rates, forecasting period

Акциз солиғини прогноз қилиш муддатига қараб уч, яъни тезкор, қисқа муддатли ва ўрта муддатли турларга бўлиш мумкин. Тезкор прогноз солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоб-китоблари, аванс тўловлари, тўланиши кутилаётган солиқ тўловлари асосида амалга оширилади. Солиқ тўловчилар томонидан тақдим қилинаётган маълумотлар уларнинг шахсий ҳисоб карточкаларидаги ахборотлар билан солиштирилади. Жорий йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилиш ҳолати таҳлил қилинади. Белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилиш эҳтимоли ўрганилади. Тезкор прогнозлаш одатда бир кундан бир ойгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Акциз солиғини прогноз қилишнинг қисқа муддатли тури тадқиқот учун камида бир йилни талаб қилади. Прогнознинг ушбу тури асосида йиллик прогноз кўрсаткичлар ишлаб чиқилади. Кутилаётган прогноз кўрсаткичларини белгилашда солиқ тўловчиларнинг ўзидан, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, статистика органлари, молия идораларидан олинган маълумотлардан, солиқ органларида шакллантирилган ахборот тизимлари базасида мавжуд маълумотлардан фойдаланилади.

Бир йилдан беш йилгача муддатда солиқ тушумларини прогнозлаштириш ўрта муддатли деб ҳисобланади. Солиқ тушумларини ўрта муддатга прогнозлаштириш мамлакатни иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Акциз солиғи тушумларини прогнозлаштиришда ушбу даврда солиққа тортиш шартларини (ставка, имтиёзлар, тўлов муддатлари ва ҳ.к.) тўлиқ инобатга олиш талаб қилинади.

Акциз солиғи тушумларини прогнозлаштириш тўғри ҳисоб-китоб ва ўтган давр кўрсаткичларини статистик қайта ишлаш усуллари ёрдамида амалга оширилади. Тўғри ҳисоб-китоб усули ҳақиқий ва кутилаётган маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ҳажми, ялпи фойда, даромад, таннарх, иш ҳақи ва бошқа прогноз ҳисоб-китоб учун зарур кўрсаткичлар тўғрисида маълумотнома олишни талаб қилади. Бундай маълумотлар тегишли давлат бошқаруви ва вакиллик органларидан олинади.

Олдинги йиллар кўрсаткичларини статистик қайта ишлаш усули тадқиқот учун танланган йиллардаги ҳақиқий акциз солиғи тушумлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ҳамда уларни статистик қайта ишлашни талаб қилади.

Акциз солиғи тушумларини прогноз кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилишни ҳам икки усулда амалга ошириш мумкин. Биринчи усулда акциз солиғи тушумларининг барча манбалари бўйича алоҳида прогноз кўрсаткичлари ҳисобланади ва натижалар умумлаштирилади. Масалан, алкоголь маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, сигарета, автомобиллар ҳамда импорт бўйича акциз солиғи тушумларининг кутилаётган миқдори солиқ базаси асосида ҳисобланади. Ҳисоб-китоб натижалари жамланиб, акциз солиғи тушумининг умумий прогноз кўрсаткичи белгиланади. Иккинчи усул олдинги беш йил мобойнида ҳақиқатда йиғилган акциз солиғи миқдорининг ўзгариш қонуниятларини ўрганишни талаб қилади. Бунда акциз солиғи тушумининг олдинги йиллар давомида ўсиш суръати, регрессион таҳлил қилиниб, кутилаётган прогноз кўрсаткичи белгиланади.

Прогноз кўрсаткичларини ҳисоблашда шартли маълумотлардан фойдаланилади. Дастлаб акциз ости маҳсулотлар бўйича сўнгги беш йил мобайнида тўланган акциз солиғи ҳажмининг ўсиш суръати ҳисобланади.

$\dot{Y}_i = A_0 + A_1 i$ формуладан фойдаланган ҳолда тўғри чизиқли регрессия тенгламасини тузамиз.

Қуйидаги тўғри чизиқли тенгламалар системасидан фойдаланган ҳолда кутилаётган акциз солиғи тушуми миқдорини аниқлаймиз

$$\begin{cases} nA_0 + A_1 \sum_{i=1}^n i = \sum_{i=1}^n \dot{Y}_i \\ A_0 \sum_{i=1}^n i + A_1 \sum_{i=1}^n i^2 = \sum_{i=1}^n i \dot{Y}_i \end{cases}$$

Прогноз ҳисоб-китоби учун шартли равишда алкоголь, тамаки, ёғ маҳсулотларини сотув ҳажми олинди. Ҳисоб-китоблар натижасида алкоголь маҳсулотлари бўйича 1583,48 млн сўмлик, тамаки маҳсулотлари бўйича 1347,61 млн сўмлик, ёғ маҳсулотлари бўйича 901,22 млн сўмлик акциз солиғи тушуми кутилаётганлиги аниқланди. Кутилаётган акциз солиғи тушумининг мутлоқ миқдорини аниқлаш учун кутилаётган ўсиш суръатини 2010 йилдаги ҳақиқатда йиғилган акциз солиғи тушумига кўпайтирилиб, 100 га бўлинди.

Танланган маҳсулотлар бўйича кутилаётган акциз солиғининг 2013 йилга

1-жадвал

Алкоголь маҳсулотлар бўйича акциз солиғининг прогноз тушумларини ҳисоблаш

Йиллар	i^*	Акциз солиғининг ўсиш суръати, \dot{Y}	$i\dot{Y}^{**}$	i^*i
2009	1	103,11	103,1051	1
2010	2	103,01	206,0232	4
2011	3	102,02	306,0720	9
2012	4	102,28	409,1109	16
2013	5	107,40	536,9971	25
Сумма	15	517,82	1561,3083	55

нисбатан ўсиш суръатини ҳисоб-китоби 1, 2, 3-жадвалларда келтирилган.

i^* — динамик қаторнинг тартиб бўйича сони, \dot{Y}^{**} — акциз солиғининг ўсиш суръати.

Ао ва А1 параметрларни топиш учун қуйидаги тенгламалар системасини ечамиз:

$$\begin{cases} 5A_0 + A_1 \cdot 15 = 517,82 \\ A_0 \cdot 15 + A_1 \cdot 55 = 1561,3083 \end{cases}$$

2-жадвал

Тамаки маҳсулотлари бўйича акциз солиғи тушумларини прогноз қилиш ҳисоб-китоби

Йиллар	i^*	Акциз солиғининг ўсиш суръати, \dot{Y}	$i\dot{Y}^{**}$	i^*i
2009	1	104,82	104,82	1
2010	2	112,19	224,38	4
2011	3	105,52	316,56	9
2012	4	106,33	425,32	16
2013	5	103,17	515,87	25
Сумма	15	532,03	1586,94	55

Тамаки маҳсулотлари бўйича акциз солиғи тушумларини прогноз қилиш ҳисоб-китобида i — 15га, \dot{Y} — 532,03га, $i\dot{Y}$ — 1586,94га тенг. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб, қуйидаги тенгламалар системасини ечамиз. Тенгламалар системасини ечиш натижасида Ао ва А1 параметрларининг қийматини аниқлаймиз:

$$\begin{cases} 5A_0 + A_1 \cdot 15 = 532,03 \\ A_0 \cdot 15 + A_1 \cdot 55 = 1586,94 \end{cases}$$

Ёғ маҳсулотлари бўйича акциз солиғи тушумларини прогноз қилиш ҳисоб-китоби

Йиллар	i	Акциз солиғининг ўсиш суръати, ў	iў	i*i
2009	1	107,44	107,44	1
2010	2	105,63	211,26	4
2011	3	107,10	321,31	9
2012	4	105,87	423,47	16
2013	5	104,22	521,08	25
Сумма	15	530,26	1584,5624722	55

Ёғ маҳсулотлари бўйича акциз солиғи тушумларини прогноз қилиш ҳисоб-китобида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, қуйидаги тенгламалар системасини ечамиз:

$$\begin{cases} 5A_0 + A_1 \cdot 15 = 532,03 \\ A_0 \cdot 15 + A_1 \cdot 55 = 1586,94 \end{cases}$$

Бунда, A_0 - 530.26 га, A_1 - 1584.5624722 га тенглигини топамиз.

Прогнозлаштирилаётган йилда акциз солиғи тушумининг қутилаётган ўсиш суръатини ҳисоблаш

Акциз ости маҳсулотлар	A_0	A_1	i	ў6
Алкоголь маҳсулотлари	101,20950	0,78483	6	105,91848
Тамаки маҳсулотлари	109,14962	-0,91454	6	103,66238
Ёғ маҳсулотлари	107,91726	-0,621753	6	104,186742

4-жадвалда акциз ости маҳсулотлар бўйича прогнозлаштирилаётган йил учун қутилаётган акциз солиғининг олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати ҳисоб-китоби кўрсатилган. Бунда, A_1 параметрга i миқдор кўпайтирилиб, кўпайтмага A_0 қиймат қўшилган. Натижада алкоголь маҳсулотларидан қутилаётган акциз солиғи тушумининг ўсиш суръати 105,91848%, тамаки маҳсулотлариники — 103,66238%, ёғ маҳсулотлариники — 104,186742% эканлиги аниқланди.

Акциз солиғи бўйича қутилаётган тушумни аниқлаш учун ўсиш суръатини олдинги йилда ҳақиқатда йиғилган солиқ миқдорига кўпайтирилади ва ҳосил қилинган кўпайтма натижаси 100 га бўлинади.

Шундай қилиб, акциз солиғи тушумларини прогноз кўрсаткичларини тадқиқот қилиш натижасида қуйидагилар аниқланди:

— алкоголь маҳсулотлари бўйича 1583,48 млн сўм;
— тамаки маҳсулотлари бўйича 1347,61 млн сўм;
— ёғ маҳсулотлари бўйича 901,22 млн сўмлик акциз солиғи йиғилиши башорат қилинди.

Акциз солиғи ставкалари ва солиққа тортиладиган маҳсулотлар сони ҳар йили кўриб чиқилади ва йил давомида керак бўлса ўзгартириб борилади. Шунини айтиш жоизки, акциз солиғи прогноз кўрстакчиликларини белгилашда келгуси йилда амалга жорий қилиниши режалаштирилаётган акциз солиғи объектидаги, солиқ солиш базасидаги, солиқ ставкаларидаги, солиқ тўловчилар таркибидаги ўзгаришларни, баҳо индексини, инфляция даражасини, мамлакатда амалга оширилиши режалаштирилаётган катта ҳажмдаги инвестицион лойиҳаларини, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражасини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори//Халқ сўзи, 2011 йил 30 ноябрь.
2. Кўзиёв И. Х. Боқиева, М. Мухамедова. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. — Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2008. — 224 с.
3. Қурбонов З.Н. Солиқ ҳисоби ва ҳисоботи. — Т.: Фан ва технологиялар, 2010. — 172 б.
4. Гадоев Э. ва бошқ. Бухгалтер учун амалий қўлланма: икки жилдлик. — Т.: NORMA, 2010.
5. Глушков И.Е. Бухгалтерский (Налоговый, финансовый, управленческий) учет на современном предприятии. — М.: КНОРУС, 2004. — 2016 с.